

ITALY

**ONLINE
CONFERENCE**



ISOC
INTERNATIONAL
SCIENTIFIC
ONLINE
CONFERENCES

**"FORMATION OF PSYCHOLOGY
AND PEDAGOGY AS
INTERDISCIPLINARY SCIENCES"**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-ONLINE
CONFERENCE**

WWW.INTERONCONF.COM

ISBN 978-955-3605-86-4

© Sp. z o. o. "CAN", 2022

© Authors, 2022

FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES: a collection scientific works of the International scientific conference (28 March, 2022). **ISSUE 7 – 249 p.**

Chief editor: Candra zonyfar- PhD Universitas Buana Perjuangan Karawang, Indonesia
Sunmoon University, South Korea.

Editorial board:

Tone Roald, PhD Associate Professor of Psychology University of Copenhagen

Elin Eriksen Ødegaard, Professor, Western Norway University of Applied Sciences

Mariane Hedegaard, Professor Emerita, Copenhagen University, Denmark

Magnus Englander, PhD Associate Professor of Psychology Malmo University, Sweden

Paul Sullivan, PhD University of Bradford Bradford, United Kingdom

Mathias TraczykSøren, PhD

Thiesen Amanda, PhD

Nybroe Rohde, PhD

Languages of publication: Italy, dansk, English, русский, беларуская, limba română, uzbek,

The compilation consists of scientific researches of scientists, post-graduate students and students who participated International Scientific Conference "**FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES**".

Gli atti della conferenza sono raccomandati per scienziati e insegnanti negli istituti di istruzione superiore. Possono essere utilizzati nell'istruzione, compreso il processo di insegnamento post-laurea, la preparazione per l'ottenimento di diplomi di laurea e master. La revisione di tutti gli articoli è stata effettuata da esperti, i materiali sono protetti dal diritto d'autore degli autori. Gli autori sono responsabili dei contenuti, dei risultati delle ricerche e degli errori.



**“FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS
INTERDISCIPLINARY SCIENCES”**



TABLE OF CONTENTS

J.I.Sadullayeva <i>TURMUSH O'RTOG'I JAZO MUDDATINI O'TAYOTGAN AYOLLARNING PSIXOLOGIK HUSUSIYATLARI: HORIJ TAJRIBASI MISOLIDA</i>	6
D.B Tashkenbayeva <i>TURMUSH O'RTOG'I NOGIRON YOKI RUHIY KASAL BO'LGAN AYOLLARNING IJTIMOIIY-PSIXOLOGIK O'ZIGA HOSLIGI</i>	12
M.M.Odilbekov <i>TURMUSH O'RTOG'INI YO'QOTGAN YOLG'IZ AYOLLARNING IJTIMOIIY-PSIXOLOGIK MUAMMOLARI.</i>	16
Д.Б.Шарапова <i>УЙ БЕКАЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.</i>	24
Хамидова Азиза <i>ОИЛА РИВОЖЛАНИШИНИНГ НОРМАТИВ КРИЗИСЛАРИ</i>	31
Абдиримова Интизор Камиловна Жахонова Ҳилола <i>ЛОЙИҲА ФАОЛИЯТИДА КЛАСТЕР УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШ</i>	38
Садуллаева Мехрибон Расул кизи <i>ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ ЖАРГОНИЗМОВ В СИСТЕМЕ РАЗГОВОРНОЙ ЛЕКСИКИ</i>	41
Abdullayeva Barno Pulatovna <i>МАКТАБГАЧА ТА'ЛИМДА СПОРТ МАШГ'УЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ETISH</i>	44
Sulhonberdiyev Shahobiddin Shuhratovich <i>A.QODIRIY ASARLARIDAGI OILAVIY MUNOSABATLARNING FARZANDLAR TARBIYASIDA AHAMIYATI</i>	48
Mamadiyorova Mashhura Mashrabovna <i>GIGIYENA, JISMONIY FAOLLIK VA ULARNING KUNDALIK HAYOTDA AHAMIYATI</i>	53
Собирова Нигина Абилкасимовна <i>МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ НЕМЕЦКОГО ЯЗЫКА</i>	56
Очилова Малика <i>ВОЛШЕБСТВО УЗБЕКСКОЙ ВЫШИВКИ – КАШТАЧИЛИК</i>	60
Валижон Кадилов <i>ФОРМЫ ФОРМИРОВАНИЯ РЕФЛЕКСИВНЫХ СПОСОБНОСТЕЙ У ДЕТЕЙ</i>	63
Файзиев Т.З, Ханкелов Т.К, Аслонов Н.Р <i>АНАЛИЗ РЕЖИМОВ РАБОТЫ ШАРОВЫХ МЕЛЬНИЦ.</i>	68
Iriskulov Temur Xayrulla o'g'li <i>ROSSIYA-UKRAINA O'RTASIDAGI MOJARONING O'ZBEKISTON IQTISODIYOTIGA TA'SIRI.</i>	72
Xolboyev Jo'rabek Lutfullo o'g'li, Bozorov Quvonchbek Dilmurod o'g'li Panjiyev Jamshidbek Tohir o'g'li <i>O'ZBEK XALQINING ETNOGENEZI TARIXIY XUSUSIYATI VA UNING MOHIYATI</i>	75
Jumabaeva Ayjamal <i>EXTRINSIC MOTIVATION IN TEACHING ENGLISH</i>	80
Jumaboyeva Nilufar Soyibjon qizi, Yarmatov Nurmuhhammad Ismoil o'g'li <i>MUSTAQILLIK DAVRIDA ARXIV ISHLARI TIZIMI.</i>	83
Jumaboyeva Nilufar Soyibjon qizi, Raupova Nodira Bahridin qizi Yarmatov Nurmuhhammad Ismoil o'g'li <i>PALEOLIT, MEZOLIT, NEOLIT DAVRINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI</i>	90
Abdullayeva Gulbayram Abdurahmonovna <i>“O'LMOQ” FE'LINING SEMANTIK MAYDONDAGI SINONIMIYASI</i>	94
Boymamatova Rayhona Abduhalil qizi, Boltayev Xurshed Davron o'g'li Asadov Abubakr Samad o'g'li, Soqijonova Shalola Boqijon qizi	97



ЛОЙИҲА ФАОЛИЯТИДА КЛАСТЕР УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШ

Абдиримова Интизор Камиловна

Чирчиқ давлат педагогика институти катта ўқитувчиси
intizorabdirimova@gmail.com

Жаҳонова Ҳилола

Чирчиқ давлат педагогика институти 3-босқич талабаси

Аннотация: Мақолада лойиҳа фаолияти ва педагогик таълим кластери тушунчаларига таъриф берилиб, кластер усулини таълим жараёнида ўқувчиларнинг лойиҳалаш фаолиятида қўллаш механизмлари, усуллари ҳамда йўналишлари кўрсатиб ўтилган. Лойиҳалаш фаолиятида кластер усулидан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутиши илмий жиҳатдан ёритилган.

Калим сўзлар: кластер, кластер тамойиллари, лойиҳалаш фаолияти, педагогик таълим кластери, кластер ёндашув, инновацион технология, инновацион ёндашув, таълим тизими, лойиҳа.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейин таълим давлат сиёсатининг устувор соҳасига айланиб, ушбу соҳада туб ислохотлар амалга оширила бошланди. Ҳукуматимиз томонидан таълим соҳасидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларига оид бир қатор қарорлар қабул қилинди. Таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ҳукумат қарорларнинг барчасида соҳага инновацияларни киритиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган.

Таълимга лойиҳалаш методининг кириб келиши XIX асрга бориб тақалади. “Кластер” назарияси эса даставвал иқтисодиёт тармоғида юзага келди. “Кластер” назариясининг кўп қирралилиги, унинг замирида бир нечта назарий ёндашувлар шаклланишига йўл очади.

Лойиҳа фаолиятида турли таълим муассасалари, жамоат ва давлат ташкилотларининг ҳамкорлигини назарда тутувчи лойиҳалар асосий ўрин тутди.

1918 йилда Колумбия университети қошидаги педагогика коллежи ўқитувчиси Вильям Килпатрик лойиҳалаш методининг моҳиятига бағишлаб “Лойиҳалаш методи” номли мақолани чоп қилдирди. Муаллифнинг кейинги мақолаларида ушбу атама куйидагича талқин қилинади: “Лойиҳа” атамаси фаолиятнинг ҳар бир имкониятини, тажриба жараёнининг боғлиқлигини англатиши зарур. Бунда мақсад ички омил сифатида:

- фаолиятнинг мақсадини англатади, тажрибага эга бўлиш жараёнини бошқаради;
- шахснинг ўз фаолиятини ва ички қобилиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. [2]



Кластер – муайян масофа нуктаи назаридан яқин бўлган, фаолияти ўзаро боғлиқликни тақазо этадиган ишлаб чиқариш, хом ашё етказиш, товарни сотиш ва сервис ҳамда уларга алоқадор хизматларни кўрсатишдир. [3]
Замонавий кластер тамойилларининг асосчиси ва уларни рақобатбардошлигини оширишга ҳисса қўшган ва уни илмий асослаган олим сифатида Майкл Портерни кўрсатишимиз лозим. Унинг таълимоти куйидаги хулосаларга келишимизга асос бўлади: *кластер бўлиш учун географик нуктаи назардан бир-бирига яқин ҳудудда жойлашган компаниялар ва уларга алоқадор ташкилотлар бир соҳада, бир фаолият тури билан шуғулланишлари ва бир-бирини тўлдириб туришлари даркор.* [4]

Илмий адабиётларда кластер тушунчасига турлича таърифлар келтирилган. Шуларга таянган ҳолда, педагогик таълим кластери тушунчасини куйидагича таърифлаш мумкин: **педагогик таълим кластери** – муайян географик ҳудуднинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир-бири билан узвий алоқадаги тенг ҳуқуқли алоҳида субъектларнинг, технологияларнинг ва инсон ресурсларининг интеграциялашувини кучайтирувчи механизмдир.[5]

Лойиҳалаш фаолиятида турли таълим муассасалари, жамоат ва давлат ташкилотларининг ҳамкорлигини назарда тутувчи лойиҳалар асосий ўрин тутати. Ижтимоий муҳим лойиҳаларни амалга оширишда мактаб ўқувчиларининг қатнашиши уларнинг мукамал билим ва юқори малака эгаллаши, мустақил фаолият олиб бориш кўнимкмаларига эга бўлиш имконини беради. Бу борада педагогик таълим инновацион кластери усулига, албатта, мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ. Кластер усули инсон фаолиятининг турли йуналишларини бирлаштирадиган умумий белги сифатида қаралади. Лойиҳа усули кластер методининг бир кўриниши сифатида намоён бўлади, чунки бу жараёнда барча иштирокчилар ўзларига белгиланган вазифаларни изчил бажариш орқали, яъни ташкил қилиш, режалаштириш, раҳбарлик қилиш, инсон ва моддий ресурсларни тақсимлаш орқали умумий мақсадга эришадилар.

Лойиҳалаш фаолиятида кластер усулини қўллашни амалга ошириш механизмлари ўз ичига лойиҳа топшириқларини ҳал этишга қаратилган ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий ва ташкилий-методик шарт-шароитларни яратишга қаратилган тадбирларни қўллашни камраб олади. Лойиҳалаш фаолиятидаги яқин ижтимоий ҳамкорлик натижасида мутахассислар тайёрлаш, лойиҳани молиялаштириш учун манба топиш, таълим муассасаларини ахборот технологиялари ва методолик материаллар билан таъминлаш, таълим жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш, турли корхона ва ташкилотлар, илмий марказлар билан ҳамкорлик жараёнида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш масалалари самарали ечим топади.

Лойиҳалаш фаолиятида кластер усулидан фойдаланиш таълим соҳасида туб бузулиш ясаб, субъектлар муносабатларини ривожланиш ва самарадорлик мезонлари билан бойитади.



Лойиҳалаш фаолиятида кластер ёндашуви ўқувчиларнинг олдига аниқ мақсад ва муаммоларни қўйиш ва уларнинг ечимини топиш орқали янги билим ва кўникмаларни эгаллашга бўлган имкониятларини кенгайтиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз, -Т.: Ўзбекистон, 2016.
2. Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980, 454 pages.
3. Г.Б.Болоний, В.Ю.Лыскова. Кластерный подход и его использование в научно-педагогических исследованиях. Вестник ТГУ, т.16, вып.1, 2011.
4. Портер М. Конкуренция. Санкт-Петербург; Москва; Киев: Издат. дом «Вильямс», 2000.
5. Ғ.Муҳамедов, У.Ходжамкулов. педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф ва тасниф. Илмий рисола. -Т.: Университет, 2019, -Б. 9
6. Абдиримова, И. К. (2020). Лойиҳалаш фаолиятининг босқичлари лойиҳага ёндашув моҳияти ва мақсадлар уйғунлиги. Science and Education, 1(Special Issue 2). 18-26.22
7. Abdirimova, I. Methods and tools for the implementation of project activity in education.
8. Khodjamkulov, U., Botirova, S., Shofkorov, A., & Abdirimova, I. (2020). Bases of Organizing Cooperation between Educational Institutions through Clusters (on the Example of the Education System of Uzbekistan). Journal of Critical Reviews, 7(12), 243-247.
9. И. К. Абдиримова Гармония образования в формировании любви к стране у молодежи Academic Research in educational sciences volume 2 (Issue 2) 2021 ISSN: 2181-1385, 1416-1421
10. И. К. Абдиримова Лойиҳа фаолиятида кластер усулини қўллашнинг аҳамияти. O‘zbekiston milliy universiteti xabarlari, 2021, [1/6/3] Б. 58-60

